



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ


ШАҲАР
ИЖТИМОЙ-
СИЁСЙ
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 43 (9.693) 2002 йил 15 апрель, душанба

Сотувда эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар



Бунёдкорлик

Шаҳримизга файз бағишлайди

Шаҳримизнинг Генерал Узоков кўчасида бунёд этилаётган кўрам турар жой бинолари ўнлаб оилаларга қувонч келтириши, шубҳасиз.

«Ўзгужамгармабан-к»и буюртмаси асосида қурилатган 4-хамда 5-уйларда ҳам айна дамларда бунёдкорлик ишлари қизғин давом этмоқда. 32 хонадон аъзоларининг яраб яшашлари учун барча қулайликлар яратилаётган ушбу 4 қаватли шинам турар жой биноларини «733-қурилишмон-тажрибоз»и акциядорлик жамиятининг қурувчилари бунёд этишмоқда. Уйларда қурилиш-тиклаш ҳамда пардозлаш юмушлари кетма-кет олиб боришмоқда.

лардан мамнун бўлишди. — дейди ишбоши Хайрулла Райимжонов. — Хоналари кенг ва фойзал, 2 та айвонли ушбу уйлар яшовчиларни ўз пардози билан ҳам мамнун этишига шубҳа йўқ. Чунки қўли гул усталаримиз бу борада бор маҳоратларини намойиш этишпти. Айниқса, бетончи Умар Гайфуллин, дуратор Орф Қосимов, монтажчи Бекжон Одилов, бўёқчи Виктор Степановларнинг меҳнати алоҳида таъкидлаш лозим. Мухими, хонадон соҳибларининг қувончига шерик бўлиш ниятида қурувчиларимиз вақтдан ҳам, қурилиш материалларидан ҳам унумли фойдаланишмоқда.

Насиб этса, ушбу уйлар Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги байрами кунларида фойдаланишга топширилади. Шу ният йўлида ғайрат кўрсатаётган қурувчиларнинг бугунги баракали ва қизғин меҳнати ана шундан далолат бериб турибди. Улар яшовчиларга қувонч, шаҳримизга файз бағишлайди.

СУРАТЛАРДА: (чапдан) ғишт терувчи Абдулжалил Қўчқоров, ишбоши Хайрулла Райимжонов, бригадир Олимжон Ортиқов, участка бошлиғи Умматалли Эгамовлар; уйлар тез кунларда фойдаланишга топширилади.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

Қисқа суратларда

□ **ЮНУСОБОД** туманидаги 9-мактабда педагоглару бошланғич синф ўқувчилари иштирокида уюштирилган тадбир кичкинтойлар билимини ошириш чора-тадбирлари масаласига бағишланди.

□ **КИЧИК** ва ўрта бизнесни ривожлантириш мақсадида бунёд этилган «Чорсу» савдо марказининг бешинчи қаватида оқватланиш мажмуи ишга тушди.

□ **СОБИР** Рахимов туманидаги 15-ўрта мактабда ўқувчилар иштирокида ўтказилган тадбир «Анъанавий таомлар кўриғи» деб номланди.

□ **ТАЛАБАЛАР** шаҳарчасида ёшларнинг Абдор Хидоятлов номидаги драма театри актёрлари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОИ

Давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови муддатлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади: 2002 йилнинг 27 январида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Референдумининг қарорларига ва 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ навбатдаги сайловларни ўтказишнинг қўйидаги муддатлари белгилансин:

1. Давлат ҳокимияти вакиллик органларига 2004 йил декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яқшанбасида.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови — 2007 йил декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яқшанбасида.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Тошкент шаҳри, 2002 йил 5 апрель.

Э. ХАЛИЛОВ

ТАДБИРКОРГА ТОЛЕ ЁР

Ўзлгимиз намоён бўлсин

Пойтахтимизнинг Яккасарой туманида фаолият кўрсатаётган «MIRSAZAYA» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси тадбиркорларига йил бошланғичи кўтулғу келди. Унинг бош директори Баҳодир Мирҳабиров пойтахтимизда ўтказилган «Ташаббус-2002» кўрик-танловига ғолиб бўлиб «Энг яхши тадбиркор» номига сазовор бўлди.

— Баҳодир ака, ғолиблик наҳидаси қувончлари қалбингизга жо бўлган ҳозирги дамда кўнглингиздан нималар кечмоқда?

— Албатта, муваффақият ўз-ўзидан бўлмайди. Уни меҳнат туфайли, сермашаққат изланишлар боис қўлга киритасиз. Мен яна шундан бениҳоя мамнунманки, мамлакатимизда мустақиллик туфайли тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очилди. Нафақат йўл очилди, балки улар қўллаб-қувватланмоқда. Шу боис бўлса керак, бугун тадбиркор бўламан, юртим равақига муносиб ҳисса қўшаман, ўзлгимиз намоён этаман деган ташаббускорлар кўпайди. Шуниси қувончлики, мана шу ривожланаётган тадбиркорлик туфайли импорт ўрнини босувчи, экспортга мўлжалланган маҳсулотларимиз кўпаймоқда, жаҳон бозорига ўз ўрнимизга эга бўлишга интилаяпмиз. Лекин бошланган ташаббус сўнамаслиги керак, имкониятлардан оқилона фойдаланиш лозим. Билимли, ҳунарли, юрғида ўти бор ёшларимизга қанот бўлмоғимиз керак.

— Фирмангизда асосан қандай маҳсулотлар тайёрланади?

— Фирмамиз 1996 йилда ташкил этилган бўлиб, асосан электроника соҳасидаги ускуналарни, яъни товуш қулайтириш ва чирок ускуналарини ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Мутахассисларимиз асосан билимли,

ҳунарли ёшлар ҳисобланади. Аввалига 18 турдаги ана шундай ускуналарни тайёрлаган бўлсак, бугунга келиб 64 хил маҳсулот ишлаб чиқаришга эришдик. Энг асосийси, 80-90 фоиз ҳам ашё ўзимиздан бўлиб, компьютер орқали лойиҳалашни йўлга қўйганмиз. Ўтган йилда 18 та янги маҳсулот турини яратдик. Улар орасида мактаб радиозели, уйда ишлатиладиган радиокарнай колонкалари бор. Асосан буюртмачиларимиз кўшма корхоналар, коллеж, мактаб, олий ўқув юрталари ҳисобланади. Маҳсулотларимизнинг сифатини таъминлаган ҳолда, бир йиллик қафолат муддатини ҳам берамиз. Шунга айтиш ўринлики, бизнинг маҳсулотларимиз сифати жиҳатидан хорижий кидан қилинмаган, нархи бир неча баробарга арзон.

— Экспорт масаласи ҳақида ҳам режаларингиз борми?

— Албатта, ҳозирда Россия, Миср Араб Республикаси ҳамда Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистондан харидорлар буюртмалар бермоқда. Шунингдек маҳсулотларимиз пойтахтимиздаги турли фирмалар томонидан четга чиқарилаётган. Жорий йилда, насиб этса ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, хорижлик ха-

ридорлар талабини ҳам қондириш истиғимиз бор.

— Хар дилингиз истагу мақсадлари бўлади, келгусида нималар қилиш ниятингиз бор?

— Истагу мақсадларимиз жуда кўп. Уларнинг барчаси имкон қадар изланишни тақозо этади. Жорий йилда асосий маҳсулотларимиз билан биргаликда бир қатор халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Электрон соат, «ФМ» ва «УКВ» радиоприйёмниги, уй қулайтиргичлари, болалар боғчалари учун мўлжалланган «Ғунча» товуш қулайтириш мажмуаси шулар жумласидандир. Шунингдек, жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажминини ошириб 60 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш, ишчилар сонини икки бараварга кўпайтириш режаларимизни амалга оширамиз. Шу билан бирга алоқа, радиотехника коллежларини битириб, фирмамизда фаолият кўрсатаётган мутахассисларимизнинг олий ўқув юрталарида билимларини ошириш истағидамиз. Мустақил юртимизни жаҳонга кўз-қўз қилиш учун имкониятлар яратилган экан, ҳар бир тадбиркор бундан унумли фойдаланишини дилдан истаётман.

Шарифа ИЛЁСОВА сўхбатлашди.

ТАНЛОВЛАР

Ёш ҳамширалар беллашди

Шайхонтоҳур туманидаги 276-таъхик мактабда ўқувчилар иштирокида «Ёш ҳамширалар» деб номланган кўрик-танлов бўлиб ўтди. Вояга етиш арафасида турган ўсмир кизларнинг табибёт соҳасидаги билими, зукколигини синаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазир-

лиги билан ҳамкорликда уюштирилган ушбу танловда Шайхонтоҳур туманидаги 262, 316, 320-мактаблардан таширф буюрган билимдон кизлар ҳам иштирок этиб, тез табиб ёрдам соҳасида ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини буйича берилган саволларга жавоб беришди. Айниқса кизлар-

нинг Қизил Ярим Ой жамияти тарихи ҳақида яхши билимга эга эканликлари танлов катнашчиларида яхши таассурот қолдирди. «Ёш ҳамширалар» танлови ғолиблигига эса ҳакамлар туманидаги 262, 320-мактаблар жамоаларини муносиб қўришди.

Зиёда РАСУЛОВА

XXI саҳоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримов Оқсаройда Жаҳон банки президенти Жеймс Вулфенсонни қабул қилди. Сўхбат чоғида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, мавжуд лойиҳаларни ижро этиш жараёни ва янгиликларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

• Жаҳон банки президенти Жеймс Вулфенсоннинг Ўзбекистонга бу галги ташири чоғида ўзаро ҳамкорликка оид яна бир келишувга эришилди. Пойтахтдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилашга қаратилган битим имзоланди.

• Вазирлар Маҳкамасида Қурилиш, қурилиш материаллари саноати, уй-жой коммунал хўжалиги, транспорт ва алоқа мажмуининг жорий йил биринчи чорағидаги фаолияти яқунлари ҳамда истиқболдаги вазифаларга бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

• Вазирлар Маҳкамасида Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш мажмуининг жорий йил биринчи чорағи яқунлари бағишланган мажлис бўлди.

• Яқинда мамлакатимизга таширф буюрган америкалик қонун чиқарувчилар делегацияси Ўзбекистон раҳбарияти билан қатор музокаралар ўтказган эди. Учрашувлар давомида меҳмонлар дўстлик алоқалари ва энг муҳим дамларда қўллаб-қувватлаганликларни учун Ўзбекистон ҳукумати ва халқига миннатдорчилик изхор этди. АҚШ делегациясининг Ўзбекистонга ташири яқунлари бағишлаб Тошкентда ўтказилган матбуот анжуманида ушбу самимий миннатдорчилик яна бир бор изхор этилди.

• Бугун мамлакатимиз пойтахтида экспорт назорати ва оммавий қирғин қуролларини тарқатмасликнинг Марказий Осиё ҳамда Кавказorti давлатлари учун аънаъга айлانган олтинчи минтақавий анжумани ўз ишини бошлади. АҚШ Давлат департаменти ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти шафёулигида бўлиб ўтадиган ушбу анжуманда дунёнинг бир қатор мамлакатлари ва нуфузли халқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этади.

• Иқтисодий ҳамкорлик механизмлари, тажриба ва истиқболлари. Бу — Олий Мажлисининг Демократик институтлари, нодавлат ташкилотлар ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси, Халқаро нотижорат ҳуқуқ маркази, Очик жамият институти, Ўзбекистон кўмак жамғармаси, Халқаро таракқиёт ишлар бўйича Департаменти (Буюк Британия элчихонаси), инсон ҳуқуқлари бўйича республика Миллий маркази, Каунтер-парт Консорциум ҳамда нодавлат, нотижорат ишлари бўйича ўқитиш ва тадқиқотлар халқаро маркази (ИИНПРАК) томонидан Андижон вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган давра сўхбатига мавзу бўлди.

• Бугун «Ўзқоспонамарказида» «Хитой фани ва техникаси» деб номланган кўргазма очилди.

• Республика «Бизнес фонди» ва «Мадад» сўғурта агентлиги ташаббуси билан Тошкентда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш маркази барпо этилди.

• Андижоннинг Хонободида «Хон-Бугда» ўзбек-хитой қўшма корхонаси иш бошлади.

Жаҳонда

• Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги тинчликпарвар қучлари билан БМТ кузатувчилари Кордор тоқ дарағида вазиятни назорат қилишга киришишган. Улар грузин ва абхазларнинг қелишмовчиликларига сабаб бўлаётган ҳудуднинг абхазлар назорати остидаги Ткварчел туманида иш олиб боришди.

• БМТнинг Афғонистон бўйича махсус вакили Лаҳдар Браҳими Нью-Йоркда ташкилотнинг 10 та аъзоси Афғонистон Муваққат ҳукуматида молиявий, техникавий ҳамда афғон армиясини тузишга ёрдам беришга тайёр эканликларини маълум қилган.

• Шу йилнинг 29-30 апрель кунлари Украина Президенти Леонид Кучма расмий таширф билан Ашхобода келди.

• Қозғистон парламенти халқаро ишлар, муҳофаа ва хавфсизлик қўмитасининг кенгайтирилган мажлисида депутатлар Қозғистон Республикаси ва АҚШ ўртасида қўй-алараро баллистик ракетага ўрнатиладиган қурилмаларни йўқотиш, авария ҳолатларининг олдини олиш ва ядро қуролларини тарқатишнинг олдини олиш тўғрисида 1993 йил 13 декабрдаги битимни ўзайтириш масаласида Қозғистон Ташқи ишлар вазирлиги ва АҚШ элчихонаси ўртасида ноталар алмашинуви шаклидаги битимни имзолаш тўғрисидаги қонун-лоийҳаси муҳокама қилинди.

• БМТ аҳолишунослик фонди ва Қирғизистон-Россия тенг ҳуқуқ ва имкониятлар институти ҳамкорликда аҳолишунослик муаммолари бўйича тренинг семинар ўтказди.

• Исроилининг Хайфа шаҳрида тинч аҳолига қарши иккинчи маротаба йирик ҳужуқ уюштирилди.

• Форс қўрғазги давлатлари ва фуқаролари Фаластин халқига ёрдам бериш учун маблағ тўпладимиз. **Кеча** Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилган телемарафон туфайли 35 миллион АҚШ доллари тўпланди.

• Қўшма Штатларнинг Массачусетс технология институти ҳодимлари супер асқар яратиш лойиҳаси устида иш олиб бормоқдалар.

• АҚШнинг Нью-Йорк штатида уч нафар кишини отиб ташлаган ва икки кишини ярадор қилган полиция хизматчисининг жасади топилди.

• Бангкогда бокс бўйича «Қирол кубоги» аънаваный халқаро турнири ниҳоясига етди. Вакилларимиз умумжамоа ҳисобида меъзонлардан кейин фахрли иккинчи ўринни эгаллашди.

«Пахтакор» биринчи ўринда

Мамлакат XI миллий чемпионатининг

ЎТГАН КУНИ

Ўтказилган 5-тур учрашувларида сўнг пойтахтнинг бош жамоаси «Пахтакор» биринчи ўринга кўтарилди.

Бухорода «Бухоро» жамоаси меҳмони бўлган пахтакорчилар ҳужумкор уйин намойиш этиб Қўттибев, Никитков, Жеперов, Тожиёв, Қосеуевларнинг рақиблар дарвозасига йўллаган голларидан сўнг 5:0 ҳисобидаги йирик ғалабани қўлга киритишди. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Зарафшон» — «Трактор» 3:0, «Сугдиёна» — «Самар-

канд-Динамо» 0:0, «Қўқон-1912» — «Машъал» 3:1, «Насаф» — «Навбахор» 3:2, «Дўстлик» — «Андижон» 2:0, «Нефчи» — «Қизилқум» 2:1, «Сурхон» — «Металлург» 1:1. Навбатдаги 6-тур учрашувлари 20 апрелда бўлиб ўтади.

Ўзбекистон кубоғи чорак финалининг биринчи учрашувларида беллашган жамоаларнинг натижалари эса қуйидагича яқунланди: «Андижон» — «Қизилқум» 1:4, «Нефчи» — «Зарафшон» 2:0, «Қўқон-1912» — «Насаф» уйини 23 апрелда ўтказилади. Чорак финалнинг иккинчи учрашувлари 1 майда бўлиб ўтади.

Ақбар Йўлдошев

ЯНАДА ОБОД БЎЛ, АЗИМ ТОШКЕНТИМ!

МИРОБОДЛИКЛАР ҒАЙРАТИ

Пойтахтимизнинг Миробод туманида ҳам ободонлаштириш ишлари билан биргаликда кўкаламзорлаштириш юмушлари ҳам қизғин давом этмоқда. Энг муҳими ҳеч ким ушбу тадбирдан четда тургани йўқ.

— Шаҳримизни обод ва кўкаламзор қилишга, гуллар масканига айлантиришга муносиб ҳисса қўиш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини туманимиз фуқаролари чин дилдан ҳис этган ҳолда меҳнат қилишмоқда. — дейди туман ободонлаштириш бошқармаси раҳбари Дилшод Қунаров. — Мавжуд 40 та маҳалла, шохқўча ҳамда истироҳат боғлари, корхона, ташкилот, билим масканларида баҳорги юмушлар астойдил бийойилик билан олиб боришмоқда. Туманимиз ҳудудини кўз қўрса қувнайидиган тарзда безаш мақсадида жорий йилда 7600 донга атиргул,

шаҳар бериш, оқлаш, ҳовли ва кўчаларни орасалаш ишлари қизғин давом этмоқда. Шуниси қувончлики, тўпланган чиқиндиларни ўз вақтида олиб чиқиб кетишда «Фотон» ҳиссадорлик жамияти, «Ўзтемирйўлтаймирмаш» корхонаси ўз транспорт воситалари билан яқиндан ёрдам бермоқда.

Шунингдек, ободонлаштириш бошқармаси ҳодимлари томонидан ўтган йилларда ўтказилган қўчатлар парварлишига ҳам катта эътибор қаратилган. Туман аҳлининг ягона мақсади ўзлари яшаётган масканини пойтахтимизнинг энг гўзал ҳудудига айлантиришдир. Бугунги астойдил ҳаракат эса мақсад асосида бўлмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

Кўни кеча Эпидемияга қарши кураш факултетида комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни ушбу комиссия раиси, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Рустам Қурбонов олиб борди.

Йиғилишда ахборот берган шаҳар бош санитария врачси Саидмурод Сайдалиевнинг таъкидлашича, юқумли касалликлар асосий манбаларидан бири очик ҳавзалар бўлиб қолаётганлиги, уларнинг санитар ҳолати талаб даражасида эмаслиги аҳоли ўртасида турли касалликлар тарқалишига сабаб бўлмоқда.

Дарҳақиқат, анҳор, канал ва ариқлар санитар ҳолати хусусида кўп сўз юритилди, лекин бу борада сезиларли ижобий нати-

Очиқ ҳавзалар озода бўлсин

жаларга эришилган деб бўлмайди. Хар йили бир неча ой мобайнида мавсумий тозалаш-таъмирлаш ишлари амалга оширилишига қарамай, очик ҳавзалар ҳамон талаб даражасида эмас.

Ариқ ва каналларга қувурлар орқали оқавалар оқизиш ҳамда ҳавзалар устига ва қирғоқларига ноқонуний қурилган молхоналар, санитария тармоқлари сувларни шунчалик ифлослантиришга олиб келаётган сабаблардан ҳисобланади. Биргина мисол. Тошкент шаҳар ҳокимининг «Тош-

кент шаҳри ҳудудида 2002 йил даврида мавсумий оқва сувларни хавф-хатарсиз ўтказиб юбориш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ўтказилган назорат текширувлари мобайнида 473 та шахсий хонадонларга қарашли 530дан зиёд ноқонуний қурилмалар аниқланди. Туманлар бўйича манзилли рўйхат ҳокимликлар, Ободонлаштириш бош бошқармаси, «Маҳалла» жамғармаси, бошқа тегишли ташкилотларга юборилди. Бироқ ҳар бир манзил бўйича тўлиқ чоралар қўрилди деб

бўлмайди. Собир Раҳимов, Яккасарой, Юнусобод, Шайхонтоҳур ва Акмал Икромов туманларида ишшооларни бўздириш ва оқаваларни йўқ қилиш бўйича чора-тадбирлар суи олиб борилаётганини кузатиш мумкин.

Комиссия йиғилишида фақат мутасадди ташкилотлар ва назорат органлари сай-ҳаракати билан очик ҳавзалар тозаланишига эришиш қийинлиги, бу ишларда маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари жонбозлик кўрсатишлари, улар томонидан санитария меъёрларини қўпол равишда бузаётганлар аниқланиб, сув манбаларини ифлослантирмаслик чораларини вақтида амалга оширишда кўмаклашишлари даркор эканлиги ҳулоса тарзида таъкидлаб ўтилди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

БҮНЁДКОР

Пойтахтимизда яқин йиллар ичида бунёд этилган осмонўпар, кўрганда кўз қувнайдиған бинолар нафақат бугунимиз, балки келажак авлодларга ҳам хизмат қилади. Она шахримизнинг барча туманларида ҳозирги давр талабидан келиб чиққан ҳолда шинам ва замонавий турар жой бинолари, кўприклар, бошқа турли-туман иншоотлар қад ростламоқда. Биз бугунги кунда тобора обод ва кўркем бўлиб, ёшариб бораётган Чилонзор туманида олиб борилаётган бунёдкорлик юмушлари ҳақида туман ҳокимининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари Мироллим Хайдаров билан суҳбатлашдик.

— Туманда қад ростлаган Халқлар Дўстлиги саройи, Алишер Навоий номидаги Миллий боғ, Олий Мажлис ва Мухимий номидаги Ўзбек Давлат мусикали театри бинолари нафақат шаҳар, балки бутун республикамизнинг энг кўркем меъморий обидалари қаторидан ўрин олган. Айтинчи, ҳозирги кунда амалга оширилаётган қурилишлар ҳам уларга муносиб тарзда давом эттириляптими?

— Шахримизнинг барча туманлари ичида албатта Чилонзорнинг ҳам ўз муносиби ўрни бор. Мустақиллик йилларида тобора чирой оцаётган туманимизда катта ҳажмдаги қурилиш ишлари олиб бориламоқда, замонавий, кўркем бинолар бирин-кетин фойдаланишга топширилмоқда. Масалан, «М» даҳасида замонавий лойиҳалар асосида янги мавзе бунёд қилинди. «Тошметрополитен» коллежи ва Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошида қурилаётган академик лицей, «Чилонзор» савдо маркази ёнидаги қайта таъмирланаётган бозор, «Тинчлик» маҳалласида ишга туширилган стадион шулар жумласидандир. Халқлар Дўстлиги шохўчасидаги йўл қурилиши ва катта ободонлаштириш ишларининг давом эттирилиётганлиги қувонarli ҳолдир. Чунки бу қурилиш метронинг Собир Раҳимов бекати атрофида бунёд этилаётган транспорт қатновчи боғловчи кўприкнинг давоми ҳисобланади. Шу боис йўл тўлиғича асфальт қилинди ва транспорт қатнови йўли бир мунча кенгайтирилди. Халқлар дўстлиги шохўчаси бўйича ирригация шохобчалари қайта тикланди. Эндиликда икки текзор йўналиш замонавий талабларга тўла жавоб беради. Бундан ташқари яна икки йўналиш йўл ишга туширилди.

— Яқинда фойдаланишга топширилган, Ўрта Осиё-

✓ қурилиш

Оилалар қувончига шерик

Шахримизда кейинги йилларда қад ростлаётган замонавий ва гўзал турар жой бинолари бунёдкорларимизнинг маҳорат ва тажрибалари ортиб бораётганидан далолат бўлиб, уларнинг баракали меҳнати махсулидир. Ана шундай кўркем бинолар пойтахтимизнинг Нукус ҳамда Моштабид, Мовароуннахр ва Нукус кўчалари кесишган жойда бунёд этилмоқда.

«Габус» қурилиш-инвестиция фирмаси буюртмасига кўра «Тошгипрогор» мутахассислари лойиҳаси асосида қурилаётган 7 қаватли, 60 хонадонга мўлжалланган 6 та уйнинг бош пудратчиси «CARDO» қурилиш фирмасидир. Ушбу фирманинг фаолият кўрсатаётганига эндиғина икки йил тўлаётган бўлсада, жамоада жипслашган қўли гул бунёдкорлар томонидан барпо этилаётган турар жой бинолари кўпчиликнинг эътиборини қозониб, узгача кўриниши, сифати ва алоҳида қулайликлари билан ажралиб турди.

Нукус-Моштабид кўчасида қад ростлаётган 1, 2, 3-уйларда 200 нафарга яқин, Мовароуннахр — Нукус кўчалари чорраҳасидаги 4, 5, 6-уйлар қурилишида эса 100 дан ортиқ қурувчи меҳнат қилмоқда. Бир-бирига ту-



ташиб кетган уйлар мажмуасининг 1-қаватида замонавий дўконлар, маиший хизмат шохобчалари, офис ҳамда қаҳвахоналар жойлаштириш кўзда тутилган бўлиб, бу хонадон эгалари учун яна бир қулайлик яратди.

— 3, 4, 5-хонадан иборат ушбу уйларда бир нечта оилалар яшаши ҳам кўзда тутилган, — дейди фирма бош муҳандиси Станислав Мешерин. — Меҳмонли учун катта зал, бир нечта ётоқхона, қулай ошхона, ёзги ва қишки айвонлар ва бошқа қулай шароитлар яшовчиларни мамнун этишига шубҳа йўқ. Қурилиш материалларининг сифати ҳам қураётган уйларимизнинг мустахкам ва кўркемликка муҳим ҳисса бўлади. Металл ашёларни фирмамиздаги металл цехи мутахассислари бенуқсон тайёрлаб беришмоқда. Энг муҳими эса қурувчиларимиз ўз соҳасининг ус-

талари, уларнинг барчаси тажрибали мутахассислардир. Шу боис ҳам ўтган йилда Ҳамза туманининг Мусахонов ва Азимов кўчалари кесишган жойда 20 хонадонга мўлжалланган 5 қаватли уйни фойдаланишга топширдик.

Фирма бунёдкорлари қурилиш ўтган йили бошланган учта уйни жорий йилнинг май ойида, кейинги уйларни эса йил охиригача фойдаланишга топширишни мўлжаллашган. Яна шунинг ҳам айтиш лозимки, ички пардоз ишларини яшовчилар талабига кўра фирма қурувчилари бажаришлари мумкин ёки ҳар бир хонадон соҳиби ўз дилга кўра пардозлаш кўзда тутилган. Бу, албатта, қурилиш ашёлари ва вақтини тежашда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, бош пудратчиларга мадда бераётган «Габус қурилиш-2» шўъба корхонаси сантехниклари ҳам ўз вазифаларини сиққидилдан адо этишмоқда. Мақсад эса ҳар бир иш лойиҳада кўрсатилганидек гўзал ва сифатли бўлишидир. Ана шу ниятда меҳнат қилаётган бунёдкорлар орасида Сергей Пак, Дмитрий Кукин, Василий Романовский раҳбарлигидаги комплекс бригадалар аъзолари ғайрат-шижоатлари билан ажралиб турибди. Албатта, ана шундай шинам уйларда яшашни ким орзу қилмайди дейсиз. Янги уй насиб этганлар бунёдкорлар меҳнатидан миннатдор бўлиши, шубҳасиз. Толмас қўли қурувчилар эса бундай бахтли оилалар қувончига шерик бўлганларидан фахрланишди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: қурилиш майдонидан лавҳалар: электр пайвандчи Пётр Медведьев ва тикловчи Икром Абдухолиқовлар сидқидилдан меҳнат қилишмоқда; ушбу уйлар ҳадемай фойдаланишга топширилади.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

✓ ТАДБИРКОРЛИК

Изланишлар давом этмоқда

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида фаолият юритаётган «ИВО» масъулияти чекланган жамиятида зарур ва сифатли қурилиш ашёси — ўтга чидамли гишлар ва иситиш ускуналари учун трубкалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин ушбу махсулотларга бўлган талаб кундан кунга ортиб бормоқда.

Янги махсулотларнинг асосий буюртмачилари шахримиздаги корхона ва ташкилотлардир. Уларни тайёрлашда ҳозирда корхонанинг 10 нафар ишчи-хизматчиси фаолият кўрсатмоқда. Жамоада ойига 4000

дона ана шундай гишлар ишлаб чиқариш имконияти мавжуд.

— Лекин бугунги кунда ўтга чидамли гишларга бўлган талаб катта, буюртмаларини анча кўп, — дейди жамият раҳбари Иброҳим Ҳакимов. — Ана шунинг

ҳисобига олган ҳолда гиш тайёрлайдиган печимизни кенгайтиришни режалаш турибмиз. Бунинг учун туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси кўмағида банкдан кредит оламиз. Агарда режамиз муваффақиятли амалга осса, барча буюртмачиларимиз талабини тўла қондириш имкониятига эга бўлиб, махсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг бир неча бараварга оширишига муваффақ бўлаемиз. Қўшимча ишчи ўринлари ҳам яратилади.

Шунингдек, жамоа тадбиркорлари буюртмачи талабидан келиб чиққан ҳолда гишлар ҳажмининг ошириш, турларини кўпайтиришга ҳам ҳаракат қилишмоқда. Уларнинг асосий мақсадлари эса мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига маъмул ҳиссаларини қўшиб, бунёдкорлик ишлари учун зарур ва керакли материалларни маҳаллий хом ашё ҳисобидан ишлаб чиқаришдир. Бу борадаги изланишлар давом этмоқда.

Сайёра МЕЛИКҲУЗИЕВА

✓ ТАДБИРЛАР

Аёл билан олам мунаввар

Илгари хабар берилганидек, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси қошида «Журналист аёллар клуби» ўз ишини бошлади.

— Ушбу клубнинг мақсади ва вазифалари, — дейди унинг раҳбари Мухтабар Каримова. — Оммавий ахборот воситаларида республика аёлларининг ҳаёти ва фаолиятини ёритиш, ёш журналистларни қўллаб-қувватлаш, ўз мақолалари мавзусини аёллар муаммоларига қаратган муаллифлар сонини кўпайтириш, машҳур фан, адабиёт ва санъат намояндалари билан учрашувлар ташкил қилишдан иборат.

Кўни кеча «Журналист аёллар клуби»да Қариялари кадрлаш ҳамда яшариш аёлмига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Тўқин дастурхон атрофида ушбу клуб аъзолари бўлиш ўткир қалам соҳибалари, сеvimли шoirиyo ёзувчилар, журналист фархия аёллар, истеъдодли ёшлар йиғилишди. Тадбирда шахримизда истиқомат қилаётган хоржий мамлакатлар элчи-хоналарининг ходимлари ҳам иштирок этиб, аёлларни муборак айём билан кутлади. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоирлари Ойдин Ҳожиёва, Халима Худойбердиева ҳамкасбларига янги шеърларидан ўқиб берди. Шодиёна руҳда ўтган файли даврда сеvimли санъаткорлар ижросида янграган куй-қўшиқлар, диларабо рақслар барчага олам-олам завку шавқ, хуш кайфият бахш этди.

(Ўз мухбиримиз)

Санъаткорлар фахрийлар меҳмони

«Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси қошида ташкил этилган «Соғлом авлод гуначалари» театр-студиясининг ижодий ходимлари яқинда республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати қарияларининг меҳмонли бўлишди.

Улар кекса онахон ва отахонларга драматург Эркин Хушвақтовнинг «Қирмизи олма» номли драматикривоватини намойиш этишди. Асардаги момо, Рўхона, Аббос ролларини таниқли актёрлар Шукржон Сапаева, Дильором Қосимова, Фарход Фафуровлар маромига етказиб уйнаган ҳолда фахрийлар олқишларига сазовор бўлишди.

Ўткир САИДОВ

ИЗҲОР

«Тарки одат — амри маҳол», — дейдилар момоларимиз. Бунга мен неча бор амин бўлганман. Мана шу бугун ҳам тонг билан болалик одатимга кўра: «Кира-версин давлат, чиқаверсин фалокат», дея дарвозани очиб кўчага чиқдим. Мен яшайдиган хонадон чорраҳада — икки кўчанинг бир-бири билан туташадиган ерида: кўчанинг бир бошида ўрта мактаб, иккинчи томонида эса боғча.

Хали жуда эрта — кўчада зог йўқ. Лекин орадан ярим соат ўтар-ўтмас кўчага жон киради гўё. Энг аввал олдинча-кетин кўчага фойз бериб маҳалламиз қариялари илдам одимлайди.

«Катта Қозиробод» маҳалласи ҳозир Чилонзор туманининг марказидадир. Лекин у қадимда шаҳардан анча йироқда бўлиб, тошкентликларнинг ёз ойлари боғ-роғлар бағрида яйраб яшайдиган, ёз бўйи қилган меҳнатлари билан қиш ғамини ёзда ҳозирлаган чорбоғлари бўлган.

Оғир уруш йилларида маҳалла аҳолисининг тирикчилиги ер билан бўлиб, кўпчилик қишлаб қола бошлади. Бу ҳол маҳалла аҳли

масканига ошиққан ёшларни қузатиб қоларканман, мен беихтиёр очин-тўқин, юпун ўз болалигимни эслайман. Мустақил юртимиз ёшларининг бахтига ҳавасим келади.

Бундай чукчурроқ ўйлаб кўрсак, ёнгинамиздан ўтиб бораётган ҳар бир ўғил-қиз ўз оиласи келажиги — вақти-соати етиб мустақил Ўзбекистонни бошқаражак авлод.

Келажак ўтиб бораётган ёнгинамиздан. У қандай бўлади?

Бу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

Унинг қандай бўлажакига Сиз билан биз дахлдорлигимизни ҳеч ўйлаганмисиз?

«Шундай бўлгач ҳозирда у қандай ўсапти, бефарқ бўлишга ҳаққимиз йўқ», — дейман

Сўйласанг сўйла яхши сўзлардан...

олдига яна бир муаммони қўйди. Қозирободда мактаб йўқ. Бугёи қандоқ бўлади...

Катта ёшдагиларку уч-тўрт чақирим наридаги мактабга борар, аммо бу йил энди мактабга борадиган болақайлар, бошланғич синф ўқувчилари нима қилади?

Маҳалла — маҳалла экан-да. Қариялар кўп ўйлашиб, бамаслаҳат бир қарорга келишди.

— Биз катталар оғирлиқни ўз зиммамизга оламиз. Маҳалла масжиди биносини мактабга берамиз. Кичкинтойлар узокқа қатнаш азобидан қутулишди... — деган эканлар ўшанда Содик домқон деган маҳалла оқсоқоли. Бутун туриш-турмушидан меҳр-оқибат, юз-қўздан нур ёғилиб турган бу отахонни хали-хали меҳр билан эслайман. Илоҳим Оллоҳ раҳматига олган бўлсин ул ажайиб меҳрибон зотини.

Бу воқеа 1941 йилларда бўлиб ўтган эди... Мустақиллигимиз шарофати билан янги масжид биноси қад ростлади...

Хайлининг жилавидан тутмасанг, қайларга олиб қочмайди. Ўтмиш хотирларини қўйиб воқеликка қайтаман.

Қарияларимиз намоздан қайтгач эса, кўп ўтмай, кўча яна гавжум бўлиб кетади. Энди кўчада ишга, ўқишга ва боғчага ошиққан ёшлар... Мен бу манзарани қузатишни сўман. Дафтар-китобларни махсус папкаларда орқалаб, озода янги либосларда шаҳдам одимлар билан, баъзилари чопқиллаб илм

ўзимга. «У менинг болам эмас, қўшнимнинг боласи», — деб қарамок, унинг хатти-ҳаракати, оғзидан чиққан сўзига лоқайд бўлмок — гуноҳи азим деб биламан. Ахир бир кўчат ўтқазсак, тагини чоқиқ қилиб, сув қуйиб парваришлаймиз-ку, бегона таъсирдан эгилиб-қийшайиб ўсмасин деб тиргак қўямиз-ку...

Кўчадан ўтиб борган болақайнинг оғзидан чиққан ноҳужа сўзини эшитиб, эшитмаганга олмайлик, охистагина ёнгинамизга чорлаб буюк мураббий Абдулло Авлонийнинг: «Сўзласанг сўйла яхши сўзлардан...», — деган ўғитини қулоғига қуяйлик — қалбига жо этайлик.

Шундай авлод тарбият этайликки, Мустақиллигимизни кўз қорачиғида авайлаб-асраб, унга доғ туширмай ўзидан кейин келажак авлодга қорғога ўралган оппоқ қантдай тошпиради деган ишончдаман.

Бунинг бари яна ўзимизга боғлиқ. Биз фарзандларимизга оғоҳ бўлмокни, дўст-душмани ажрата билмокликни ўргатмоғимиз керак. Ҳа, фарзандларимизни шундай тарбият этайликки, қалблари гўдак юраги янглиғ беғубор, нигоҳлари бургутники каби ўткир бўлсин, Алломиш сиеқ мард-майдоқлардан бўлиб камол топсинлар.

Ҳа, шундай бўлсин. Ана қаранг, кўринг, ҳавас қилинг, кўзалрни қувнатиб, дилларни яйратиб келажак ўтиб бораётган кўчадан.

Холида АХРОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

✓ қулайлик

Ўқувчилар учун атлетика зали

Тошкент самолётсозлик касб-хунар коллежи ўқувчи ёшлари яхши совға олишди. Бу ерда янги атлетика зали бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди.

Бундай хайрли ишга Тош-

кент самолётсозлик институти ректорати билан жисмоний тарбия кафедраси яқиндан бош қўшди.

Атлетика зали кенг, ёруғ ва қатор қулайликларга эга бўлган хонада жойлашди. У замонавий тренажёрлар, ол-

тита штанга, гантел, турник ва яна бир неча спорт жиҳозларига эга бўлди.

Бу ерда олий ўқув юрти талабалари ҳам спорт машқлари билан шугулланишлари мумкин бўлади.

Ақбар АЛИЕВ

✓ САҲОВАТ

Кўнгиллар қувончига тўлди

Ҳар йили баҳор фаслида Чилонзор туманидаги Мирзо Улуғбек номи маданият ва истироҳат боғига Тошкент шаҳар ижтимоий ўзаро ёрдам «Меҳрибонлик» жамиятининг кўп минг сонли аъзолари ташриф буюришди. Шу кунин боғда меҳрга ташна инсонлар ва уларнинг оила аъзолари учун анъанавий тарзда концерт томошалари уюштирилди. Моҳир ошпазлар қўли билан тайёрланган палов ва бир пиёла чай устиде жамият аъзолари дилдан суҳбат қуриб келгуси режаларни ҳам белгилаб олишди. Жорий йилда ҳам бу анъана бузилмади. Аксинча, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, маданият ишлари бошқармаси ҳомиёликлариде пойтахтимизда истиқомат қилаётган бир оғиз ширин каломга муҳтож 2 минг нафар инсонлар учун дастурхон тузалди, ўзбекнинг миллий таоми бўлмиш ош тортилди.

Қувончи жиҳати шундаки, Мирзо Улуғбек боғи раҳбарияти саховати туйғайли шу кунин аттракционлар «Меҳрибонлик» жамияти аъзолари учун бепул хизмат қилди. Тошкент шаҳар маданият ишлари бошқармаси қошидаги ва Мирзо Улуғбек номи боғнинг «Улуғбек юлдузлари» деб номланган ансамбллар ижросидаги куй-қўшиқлар тадбир иштирокчилари кўнглини тоғдек кўтариб юборди. Кечқурун-га қалар давом этган тадбир қатнашчилари уйлариға шоду хушрам қайтишди.

(Ўз мухбиримиз)

✓ ТАҚДИМОТ

Катта таассурот қолдирди

Ўзбекистон киночилар уйига ташриф буюрган санъат мутахассислари журналистлар «Инсонни енгил бўлмайди» ва «Рангин дунё бу...» деб номланган янги ҳужжатли фильмлар тақдимотининг гувоҳи бўлишди.

Ўзбекистон видеомарказининг махсулоти ҳисобланмиш бу икки фильм йиғилганларда катта таассурот уйғотди. Сабаби Эдуард Хачатуров ва Тоир Юнуслар сценарийси асосида экран юзини кўрган «Инсонни енгил бўлмайди» фильми атоқли

бу...» дея номланган Санжар Бобоев режиссёрлигида, Ҳамидулла Ҳасанов суратга олган ҳужжатли фильмда замонамизнинг илғор кишиларидан бири Тошкент шаҳар Бош офтольмологи, кўз касалликлари шифокори Зулфия Максудованинг тиббиёт соҳасида олиб бораётган тадқиқотлари ҳақида сўз боради. Ўйлаймизки ушбу икки фильм ҳамшаҳарларимизга маъқул бўлади.

(Ўз мухбиримиз)

✓ ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

«Мутахассис» кўмак беради

Пойтахтимизнинг «Октепа» мавзесидаги «Мутахассис» ўқув марказида шу кунгача 100 мингдан ортиқ малялаки мутахассис тайёрланди.

Бу масканда касб-хунар ўрганган ёшлар нафақат республикамизда, балки Ҳамдустлик мамлакатларида

ҳам бунёдкорлик ишларини олиб бормоқдалар. Унинг афзал томонларидан бири, қиска вақт ичида ўқувчилар бирор касб-хунар эгаси бўлишди. Шунингдек марказда амалий машғулотларга алоҳида эътибор берилиб, республикамизнинг турли вилоятларидан кел-

Одилжон ЭРГАШЕВ

МАЪНАВИЯТ — АҚЛ КЎЗГУСИ

Бугунги кунда мамлакатимизда кенг қамровли иқтисодий-сиёсий, ижтимоий ислохотлар амалга оширилмоқда. Жамиятимиз маънавий юксалиш ва янгилаш сари юз тутган. Энг муҳими, ҳозирда жамият маънавиятини юксалтириш — давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Бизнинг Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат маркази Тошкент шаҳар бўлимининг раҳбари Садир Салимов билан суҳбатимиз кейинги пайтларда мазкур жабҳада амалга оширилаётган ишлар ҳусусида бўлди.

—Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 2 июндаги Фармони асосида Тошкент шаҳар Маънавият ва маърифат кенгашининг 2000-2002 йилларга мўлжалланган «Жамият маънавиятини янада юксалтириш» дастурига мувофиқ Тошкент шаҳар Маънавият ва маърифат ташкилоти 2002 йилнинг биринчи чораги мобайнида кенг қўламдаги ишларни амалга оширди. Хусусан Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи ёшларни она Ватанга ҳурмат ва садокат, мустақиллик ғоялари асосида тарбиялаш, мамлакатимизда ҳар томонлама ҳиммат авлодини вояга етказиш, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг муаммоларини ҳал

қилё. Миллий истиқлол ғояси одамларни миллат, жамият олдига масъулият ҳис қилишга, яшашдан мақсадини англашга ва ўзини ана шу эзгу ниятларни амалга оширишга йўналтиради. Шунинг учун ҳам миллий истиқлол ғоясини ўрганишга аввало Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан катта аҳамият бериб келинмоқда.

— **«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар»** фанини ўқув масканларида ўқитиш қай тартибда амалга оширилмоқда?

— Айнан ана шу мақсадда «Маънавият ва маърифат» ишчи гуруҳи томонидан 7 та университет, институт, 6 та академик лицей, кол-

ЖУРНАЛ САҲИФАЛАРИДА



«Имом ал-Бухорий сабоқлари» журналининг жорий йилдаги биринчи сони нашрдан чиқди. Муқовадаги сурат, унинг ичидаги севимли шoirимиз Набиҳон Чустийнинг «Мўйсифидлар» шеъри ва бош муҳаррир З.Мунавваровнинг «Безавол қадриятларимиз гўлтожи» мақоласида қарияларни эъзозлаш — азалли қадриятларимиздан эканлиги ранг-баранг бўёқлар ва бадиий ибораларда акс этган. Уларни ўқиган журналхон қалбидан азиз ва мўтабаб онахон отахонларимизга чўқур эҳтиром туйғулари яна бир бор бўш уради.

Сабоклар — эзгуликка етаклар

Четга олиб кетилаётган вақтда ушлаб қолingan маънавий-маданий меросимизнинг икки нодир дурдонаси ҳақида «Халқ сўзи» газетасида 6 декабрь кўни хабар берилган эди. Уларнинг қандай илмий аҳамият ва бадиий қийматга эга эканлиги «Абадий барҳаёт китоби» рўқнидаги «Омонатга хйбат ва бурча садокат» номли мақолада батафсил ҳикоя қилинган.

«Муҳаддислар султони» рўқнидаги ҳиндистонлик олим аш-Шайх Абдуссалом ал-Муборакфурийнинг «Сийрат ал-Имом ал-Бухорий» («Имом ал-Бухорий сийрати») номли китоби таржимасида Абу Абдуллоҳ ёзган асарларнинг рўйхати ва қисқача тавсиби берилган.

«Кексалик — улғурлик» рўқнидаги А.Иброҳимовнинг «Зиқир Муҳаммадшоҳ: санъаткор, олим, инсон» номли мақоласида севили актримиз ҳаёти ва фаолиятининг муҳим қирралари очиб берилган.

«Бизнинг мулоқот» рўқнидаги «Маънавиятимизнинг безавол манбаи» номли мақола Тошкент ислом университети проректори, шайх Абдуллазиз Мансур томонидан амалга оширилган Куръони карим маъноларининг ўзбек тилига қилинган янги таржимасига бағишланган.

Пойтахтимиз марказида қад кўтариб турган муҳташам мадрасага қачон асос солинганлиги, унда қандай улуғ аждодларимиз таҳсил олганлиги, мадрасанинг бугунги ҳолати ва истиқболи А.Матқуловнинг «Қўлдош» мадрасасининг янги жилоси» мақоласида батафсил ёритилган.

«Манбалар тилга кирганда» рўқнида Абу Наср Муҳаммад ибн Абдулжаббар ал-Утбӣ (961-1040) қаламига мансуб «Тарих ал-Илминий» номли асардан Амр Сабуттегиннинг Газнадаги ҳукмронлик даврига оид парча берилган. Уни араб тилидан Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг илмий ходими А.Ҳабибуллаев Қоҳира наشري (1870 й) асосида таржима қилган.

О.Суталовнинг «Оллоқулихон ва маърифат» ва М.Олимовнинг «Бобурнома»да қўлланган Аллоҳнинг исми ва сифатлари» мақолаларида тарихимизнинг безавол саҳифалари ҳақида сўз боради.

«Ерлик муҳаббат» рўқнидан Ўзбекистонда хизмат қўсатган маданият ходими И.Сулaimоновнинг «Умр сарҳисоби бўлган қалом» лаҳзаси ўрин олган. Лаҳзада унутлаётган қадриятларимиздан бири — розилиқнинг салкам бир асрлик тарихи ва муаллифининг ички кечинмалари оддий ва раван тилда баён этилган.

«Замонамиз уламолари» рўқнидаги мақолада мустабид тузум даврида бўйига «халқ душмани» деган тақви лаънат илинган Шайх Қўтбиддинхон Ургутийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилинган, унинг меросидан лавҳалар берилган.

«Тасаввуф — маънавий қамолот йўли» рўқнидаги тасаввуфшунос олим Икромиддин Остонақуловнинг «Икки сарчашма қиёси» мақоласида Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» ва Муҳаммад Сиддик Русийдиннинг «Тазкират ул-авлиё» асарлари қиёсий таҳлил қилинган.

«Муҳим анжуман ва тақдирот» номли мақола 2002 йилнинг 16 январь кўни Бухорода бўлиб ўтган «Терроризм — XXI аср вабоси» мавзусидаги илмий-амалий анжуман ва «Имом ал-Бухорий сабоқлари» журналининг 2001 йил 4-сон тақдиротида бағишланган. Унга О.Вафоев, С. Салим Бухорий, В. Курбанов, А. Хасанов, А. Жўраев, Ф. Аминов каби анжуман иштирокчиларининг фикрлари илова этилган.

Рашид Зоҳиддин «Жамият — бир тариқат» мақоласида Ш. Сирождидиннинг «Сўфи Оллоёр илоҳиёти» китобига тақриз берилган.

Журнал ичидаги «Имом ал-Бухорий авлодлари» ёшлар журнали М. Муҳиддиннинг «Юрагимдаги дарадлар» номли мақоласи билан бошланади. Унда истиқболимиз танчани бўлган ёшлар тарбиясида ота-оналарнинг ўрни ва ибратомуз китобларнинг аҳамияти ҳақида сўз боради.

«Адабиёт саҳифаси» рўқнидаги Ф.Шомоновнинг «Ғазалга мос назир» мақоласида Маънабиянинг «Алифни дилга жо қилмоқчи бисмиллодин ўргандинг», деб бошланувчи 17 байтилик ғазали, Муҳрим Обиддин 7 байтилик назираси қиёсий таҳлил қилинган. Шунингдек, журнал саҳифаларидан Б.Пирмухамедовнинг «Махмуд аз-Заммаҳарийнинг «Рабъ ал-аброр» асари ва унинг қўлёзма нусхалари», А.Дехқоннинг «Муҳаййир — моҳир таржимон», А.Абдуллаевнинг «Абуллайс ас-Самарқандий» мақолалари ўрин олган.

«Хикматлар хазинасида» рўқнида Ҳабибуллоҳ Солих томонидан нашрга тайёрланган Лўқмони ҳақимнинг машҳур юз хикмати берилган.

(Ўз муҳбиримиз)

Қариялар доимо эъзозда

Шайхонтоҳур туманидаги Олим Ҳўжаев номидаги маҳаллада жойлашган «Санъаткор» чойхонасида «Ёшлар онгиди қарияларни эъзозлаш ҳиссини шакллантиришнинг маънавий-маърифий асослари» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Уни республика Маънавият ва маърифат Кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Нуроний» ва «Маҳалла» жағғармалари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбир давомида маҳалланинг табаруқ, пиру бадавлат отахон ва онахонлари, жонқурлар ва меҳмонлар қўллаб қизқарли маърузалардан баҳраманд бўлишди. Жумладан, республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг ўринбосари, филология фанлари номзоди С.Олимов «Ёшларда қарияларни эъзозлаш ҳиссини шакллантиришнинг аҳамияти», республика «Маҳалла» жағғармаси раисининг ўринбосари С.Хасанов «Қарияларни қадрлаш йилининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий моҳияти», Ўзбекистон Фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жағғармаси Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, филология фанлари номзоди, доцент Ш.Усмонов «Фахрийлар — Фахримиз» мавзусида сўзга чиқди.

Шуни айтиш керакки, бу йил бошидан буён «Санъаткор» чойхонасида ўтказилган маҳалланинг еттинчи тадбири бўлди. Энг аҳамиятлиси, бу каби анжуманлар юртимизда қарияларимизга қўрсатилаётган эътибор, эъзознинг ўзига хос кўринишидир.

(Ўз муҳбиримиз)

Тафаккур гулшани

Абу Али ибн Сино айтди: «Ҳаё — инсоннинг абадий гулшани, ба лафозатидир. Ҳаёсиз юз жонсиз жасадга ўхшади.

Арасту ҳақим айтди: «Адабнинг қўрқамлиги насли-насаб ҳамчиликларини бериктиради. Фақилат насли-насаб билан эмас, балки гузал одоб, ахлоқ биландир.

Лўқмони ҳақим ўлига насихат қилиб айтди: «Душманни, бир одам сенга тили буруро экани билан мактанса, сен ҳам сўзи эканинг ва керак бўлган жойда сукут қилишин билан мактан. Ақли қомил бўлган киши қисқа ва маъноли сўзлашди. Уелим, сен ҳам сўзлаш пайти ва шароитини топиб оз ва керакли сўзларни сўзла, маҳмадоналик қилма.

Жалолдин Румий айтди: Бедабнинг ёмонлиги фақат ўзигагина эмас, бошқаларга ҳам зарар етказди. Адабсизнинг устига келган офат, фалокат унинг адабсизлигинидир. Ҳар ким адабсизлик йўлига қадам қўйса, қайғу-ҳасрат ўтида қуяди.

Бир донишманддан сўрадилар:

— Одам учун ярашадиган либослар ичида энг гузалли қандай кийим?

— Донишманд айтди: — Одам учун ахлоқ либосидир. Киши қиёфасини безайдиган, унинг ҳуснига ҳусн қўшадиган бундан ортиқ гузал либосни топиш қийин.

дир. Негаки, ёшларимиз қандай китобларни қай тарзда ўқишни билишлари зарур. Албатта, илмга чанқок, ҳар соҳага қизиқувчан, эҳеҳли, зукко ёшларимиз ҳам анчагина. Кўпчилик ёшлар техникага оид, ҳуқуқшуносликка оид адабиётларни ўқийди. Шунингдек, улар тест-акроброларни, сканворд, кроссвордлар ечишни, нодавлат радиостанциялар эшиттиришларини тинглаб, вақтларини ўтказадилар. Қутубхона хазинасида неча-неча асрлар аввал яшаб, иход этган алломаларимизнинг бебаҳо асарлари сақланганлиги, улар ёшларимизнинг келажақ йўлларини нурлаш қилиш сингари беҳисобдир.

Азал-азалдан халқимиз китобсавдорлар. Модомики, китоб маънавий хазина экан, ундан кўпроқ фойдаланиш зарур, деб ўйлайман.

МУҲАББАТ ҲАБИБУЛЛАЕВА. СУРАТЛАРДА: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонасининг Нодир нашрлар ва қўлёзмалар бўлими мудири, Ўзбекистонда хизмат қўсатган маданият ходими Раҳимхон Файзуллаев ноёб нашрини кўздан кечиришда; кутубхонанинг ўқув зали доимо китобхонлар билан гажум. Тохир Нигматуллин олган суратлар.

Шарқ дурдоналари

03-03 ЎРГАНИШ ДОМО БЎЛУҲ...

● Бир одам ўзининг қилган хато ишларини, камчиликларини бўйнига олиб эътироф қилса, унинг иқдор ва эътирофи, тавозе, камчиликларини дўстларига айтиб юриши — соддадиллик, қилган хатоларидан пушаймон еб, ўз-ўзини тергаши — улуглик асаридир.

● Меҳмондорчиликка қақирилмаган бўлса ҳам қақирилганлар билан бирга бориш, овқатга ҳаммадан илгари қўл чўзиш, икки киши сўзлашиб турганда орага сўқилиш, уларнинг сўзларини бўлиб сўзга киришиш, ўз мартабаси, даражасидан юқори чиқиб ўтириш — инсонга пастлик, тубанлик келтиради. Бу ишлар инсоннинг обрўсини тўкади.

● Ҳиндистонлик олимлардан Ашраф Али айтди: Анушервон Одилиннинг лочини ўз богичини узиб, бир кампирнинг уйига учиб тушди. Кампир ушлаб олиб оч қолган бўлса керак деб ўйлаб лочиннинг олдига бир ховуч дон сенди. Гуштхўр лочин донга илтифот қилмаганин кўрган кампир:

— Бу бояқиш қушнинг тумшуғи эгри, шунинг учун донни териб олиб ея олмай туради, энди унинг тумшуғидан эгри жойини кесиб олиб, тузатиб қўйишим керак, — деган ҳаёл билан лочиннинг тумшуғини кесди. Кейин бирдан унинг тирноқларига кўзи тушиб қолиб:

— Шўрлик қушим, тирноқларинг жуда ўсиб кетгани учун юролмай, қийналиб қолганга ўхшайсан, кел, сени тирноқ азобидан ҳам қутқариб қўя қолай, савоб бўлади-ку, — деб лочиннинг ҳамма тирноқларини туб-томиридан сўғуриб олди. Шу билан бечора лочинни ҳалокатга етказди.

Анушервоннинг одамлари лочинни ахтара-ахтара уни кампирнинг уйдан ўлик ҳолда топдилар, бу қайғули воқеадан Анушервонни хабардор қилдилар. Анушервон лочиннинг ўлганига кўп афсусланиб қайғурди. Унинг вазирларидан бири:

— Бу кампирга жазо бериб, унинг ҳам тирноқларини сўғуриб олиш керак, — деди, иккинчи вазир кампирни зиндонга ташлашга маслаҳат берди, учинчи бир вазир эса яна бошқача бир жазони тақлиф қилди. Анушервон вазирларининг сўзларига илтифот қилмай айтди:

— Кампирга жазо бериш тўғри эмас, жазо берсак, зулм, адолатсизлик қилган бўламыз, чунки кампирда ҳеч бир айб йўқ. Лочин ўз қадрини поймол қилиб кампирдан гўё ёрдам талаб қилгандек унинг уйига учиб тушди. Нодон кампир лочиннинг қадр-қийматини қаердан билсин? У лочинга ачинаиб ўз ақл, тушунчасига мувофиқ ёрдам қўрсатмоқчи бўлди. Фақат унинг ёрдами «қош қўяман деб кўз чиқарганга» ўхшаш лочиннинг ҳалокатига сабаб бўлди. Бу воқеадан ҳаммаимиз ибрат олишимиз керак. Ҳар бир киши ўз қадрдонини ташлаб, қадр-қиймати нима эканини тушунмаган киши ёнига бориб, унга ўз ихтиёрини ташласа, ўзининг ҳалокатига сабабчи бўлади, лочиннинг холига тушади.

БАЙТ:
Сақла қадру қимматингни эй ўғул,
Ҳикмат аҳли сўзларини қил қабул.

● Донишмандлардан Ибн Ямин айтди: Дунёда энг азиз ва энг фойдали нарсаси аё бўлиши истасангиз, ўзингиз билан фикрдош, ҳамқалб, самимий бир дўстни топингиз, самимий, чин дўстнинг моҳияти, хислати сизнинг дўстингизга — дўст, душманингизга — душман бўлишдир. Шундай ҳақиқий дўстни топсангиз, уни жонингиздан азиз тутинг.

Қўн хатоларга йўл қўйганингиздан ор-номус қилсангиз, қамолот ҳосил қилишга ғайрат қилинг. Ақл қонунига мувофиқ бўлган ишлар билан машғул бўлинг, шундан ташқарига қадам қўйманг.

Шаън-шарафингизга доғ туширишни истамасангиз, ёмонлар билан ошна-оғайинчилик қилманг, улар билан сўхбатлашманг.

Ўзингизни олтин, лаъл, гавҳар билан эмас, илму ҳунар ва ахлоқ, тарбия билан безатинг.

Дунёда ҳеч бир нарсаси учун иззат ва обрўингизни тўкманг. Ҳеч қимдан бир нарсаси таъма қилманг.

БАЙТ:
Ким тамаш қилса, ўзин хор айлағай,
Хорликдан ўзни бемор айлағай.

● Олимлардан Ҳимматзода айтди: — Бир касал одамни зиярат қилиб ҳол-аҳволни сўраш, тасалли бериб, кўнглини кўтариш энг яхши ишдир. Фақат зиярат қилишганингиздан кейин унинг ёнида эмзалик қилиб кўн ўтирманг, ҳайрлашиб тезроқ қайтишга ҳаракат қилинг, касални тинч қўйинг, безовта қилманг.

Қадимий араб халифаларидан Хорунарашдиннинг дўсти, сўхбатдоши шоир Абунавос касал бўлиб қолди. Унинг ҳолини сўрагани кўп киши келиб кетди. Бир кун икки киши келиб, бемаза сўзлар сўзлашиб, бемор ёнида узоқ вақт ўтирдилар. Дардининг зўрлигидан безовта бўлиб турган Абунавос бу икки эзманинг сўзларидан жуда ҳам безор бўлди, буларни чиқариб юборишга ҳар қанча ҳаракат қилса ҳам фойдаси кўринмади. Нихоят, у ўрнидан сакраб турди, кўрпа-ёстигини ўраб елкасига қўйиб халиғи эзмаларга:

— Мана кўринг, мени кўргани келганингиз тўфайли касаллигим тамом йўқ бўлди, тузалдим, ўрнимдан туриб ўрин-бошларимни йғиштирдим. Хайр, энди кетсангиз ҳам бўлади. Бошқа бир вақтда сизларни зиёфатга қақираман, ўшанда узоқ вақт сўзлашиб ўтирамиз, — деди ва шу тадбир билан у икки эзмани уйдан чиқариб юборди, жони тинчланиб роҳатланди.

ХИССА: — Ақли одам ҳар бир ишни ақл ўлчови билан ўлчаб, сўнгра бажариши керак. Шундай қилмасан, у одам фалокат ва ҳалокатга учрайди. Ўзи уdda қилолмаган бир ишга киришиш — нодонликдир.

● Машҳур олимлардан Абу Мансур ас-Саолибий айтди:

— Мулоимлик дарахтини эккан киши, саломатлик мевасини тиради. Қийналишдан кўрқиб ўрганишни давом эттирмаган киши, илмни эггаллаб олмайди. Тўғри, ҳақ гапирган киши ҳамманинг ишончини қозонади. Душман билан ақиллашган кишидан унинг дўстлари қочадилар. Ишининг оқибатини ўйлаган киши фалокатлардан омон қолади.

БАЙТ:
Ҳар киши душманга бўлса рабаги,
Охири ундан кўнра минг офати.




Нодир асарлар хазинаси

Дийримизнинг энг кекса ва катта зиё масканларидан бири — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонасидир. Ушбу кутубхона нафақат она Ватанимизда, балки Марказий Осиёдаги энг кекса библиомаънавият ва маърифат ўчоғи ҳамдир. Мазкур даргоҳ бир юз ўттиз икки йилдан ортироқ вақтдан буён фаолият қўрсатиб келмоқда. Биз кутубхона заллари ва унинг боз хазинаси билан танишар эканмиз кўпгина янгиликлар, маълумотларнинг ғувоҳи бўлдик.

шунингдек, қўлёзмалар ташкил этади. Ундан ўрин олган кўпгина асарлар дунёда ягона нусхадаги китоблардир. Шулардан 50000 номдаги қўлёзмалар 1943 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти ташкил қилиниши муносабати институти фондига ўтказиб берилган. Нодир нашрлар ва қўлёзмалар бўлимида Усмон Куръонийнинг 1905 йилдаги факсимилли нусхаси сақланиб келинади. Нодир нашрлардан энг характерлиси 534 жилдлик «Туркистон» тўплами ҳисобланади. Мазкур тўплам 1870 йилдан бошлаб то 1940 йилгача Туркистон музофотиининг тарихий, ижтимоий-сиёсий ҳаёти, жўрофик жойлашуви, умуман унинг ҳаёт тарзини қўрсатиб беришчи маълумотлар мажмуи ҳисобланади. Ушбу тўплам ягона нусхада.

«Туркистон» альбоми ҳам энг ноёб дурдоналардан. Бу альбом



тўрт жилдан иборат бўлиб, унда халқ ҳаётининг ҳамма жабҳалари тўла қамраб олинган. «Туркистон» альбоми дунё каталогига тўрибди. Кейинги вақтларда кутубхона «Сорос» ва «Усто» жағғармалари ҳамкорлигида анчагина мадд, кўмак бериб келмоқдалар. Яъни «Сорос» жағғармаси кутубхонани компьютерлаштиришга ёрдам бермоқда. Ҳозирги кунда «Туркистон» тўплами рақамлаштирилмоқда. Яқин келажақда кутубхона хазинасидаги маълумотлар Интернетга киритилади. Илм бошидан буён кутубхоналар соҳасидаги технологияларга бағишланган ижтимаъи ақуман ўқазилди. Мазкур анжуманлар ҳам «Сорос» жағғармаси билан ҳамкор-

ликда ташкил этилди. Шунингдек, жағғарма томонидан кутубхонага рағбатлар топишқилди. «Сорос» ва «Усто» жағғармалари биргаликда кутубхона фондига илмий тилида чоп этилган уш мунг беш юзта журналнинг ўй йиллик нашрини тақдим этишди.

— Зухриддин Низомиддини, айтинчи ҳозирги кунда ёшларни кўпроқ қандай китоблар қизиқтирмақда?

— Маънавият — инсонга сув ва ҳаводек зарур. Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир». Дунёда яхши китоблар жуда кўп, аммо бу китоблар уни қўиб билмаган кишилар учунгина яхши-

Одамнинг одамдан фарқи бўлади дейишса унчалик ишонмасдим. Бу ҳам бир гапда деб қўя қолардим. Кейинчалик чуқурроқ ўйлаб қарасам ҳарқалай ер билан осмончаллик бўлмасда одамни бир-биридан ажратиб турадиган фарқи бўларкан. Бу фарқ унинг тақдир ато этган исми-жисмида, ўтмиши, қасмати, умр йўллари, касби-кори, сўзга чечан ва нуқонлигида кўринар экан. Бутун биз хотирасини ёд этмоқчи бўлган Носирхожи Муҳамедов ҳам ўзига хос ҳаёт йўли, турмуш тарзи, бировларга ўхшамас характерга эга бўлган инсон эди. Носир ака номини тилга олганимда дастлаб унинг жилмайиб қарашлари, бакуват келишган гавдаси, силлиқ таралган оқ сочлари, мағмур ва ҳаракатчан қиёфаси кўз олдимга келади.

Бизни у билан салкам ўттиз йиллик таниш, дўст эдик. Орамизда 12-13 ёш фарқ бўлсада у киши менга ўзини яқин олиб худди тенгдошдек муомала қилар эди.

Носир ака кўпинча менга: — Киши умри давомида ўз бошидан яхши-ёмон кунларни кечиради. Гоҳ шод бўлса, гоҳ ғамгин тортади. Бу ҳаётнинг ёзилмаган қонуни. Шунинг учун ҳам кексалар:

«Ойнинг ўн беши ёруғ бўлса, ўн беши қоронғу» дейдилар. Лекин ҳар қандай оғир дамларда ҳам иродани букмаслик керак, — деб ўқитарди.

Ўзининг бутун умрини ҳайдовчиликка — одамлар узогини яқин қилишга бахш этган Носир ака бахтини меҳнатдан топди. Шу камтарона касб орқасида уй-жойли, бола-чақали бўлди. Рафиқаси Мусаллам опа билан олти ўғил, икки қизин тарбиялаб вояга етказди. Ҳеч эсимдан чиқмайди. Бир кун у киши шошилиб олдимга кириб келди.

— Қандай шамол учирди, тинчликми десам, Носир ака:

— Эй укажон, қани айтчи, мен неча ёшга кирганга ўхшайман, — деб сўраб қолди. Ўйлаб ўтирмай:

— Қирқ ёшлар чамасидасиз, — деб юбордим. Шунда у кулиб:

— Оҳ, қани энди шундай бўлса, афсуски ўзим ҳам билмаган ҳолда элликни уриб қўйибман.

Кутлуг ёш билан уни табрикладим. Кейин:

— Агар хоҳласангиз шу баҳона кичик бир мақолача тайёрлашим мумкин, деган таклифни айтдим. У намади.

— Мендек оддий ҳайдовчининг босиб ўтган йўли қимми ҳам қизиқтирарди дейсан, — деб қўйди. Кейин хизмат юзасидан бўлган воқеа-ҳодисалардан баъзи бирларини сўзлаб берди. Мана орадан қанча йиллар ўтдики, ўша хотира ва эсдаликлар ҳамон кечагидек ёдимдан кўтарилимайди.

Биринчи ҳикоя

— Таксида тунгги навбатчиликда ишлашни ўзига хос завқи ҳам бор. Сўлим Тошкентимизнинг қароғон кўчаларида машинада сайру саёҳат қилганга не етсин. Шундай кунларнинг бирида Тошкент меҳмонхонаси бекаатида йўловчи кутиб навбатда турардим. Икки ўспирин йигит машинага келиб ўтирди. Уларга ҳали навбатим келмаганлигини айтсам, қайсарлик қилиб машинадан тушибди. Ноилож жойимдан жилдим. Лекин кўнглимда йигитларга нисбатан аллақандай шубҳа уйғонди.

Йўл-йўлакай уларнинг ҳаракатини рўпарадаги ойнадан кузатиб бордим. Гаплари галати, аллақандай тушунмайдиган тилда сўзлашарди. Лекин сўз оҳангидан, ҳаракатларидан қандайдир улардаги босқинчилик кайфияти сезилиб турарди. Йигитлар ярим тунда бекорта кўча изгиб юришмаганини аниқ ҳис қилдим. Ярим йўлда машинани тўхта-тиб тушириб юборишнинг ҳам иложи йўқ. Белгиланган жойга олиб бориб қўйсам бир қор-ҳол бўлиши аниқ. Нима қилсам экан? Ҳалра майдонига яқинлашганимда кўчанинг ўртасида кезиб юрган милиционерни кўрдиму тўғри бориб унинг рўпарасида машинани тўхтатдим. Эшикни шарт очиб кабинадан тушдим.

— Нима бўлди, тинчликми? — деди «йўловчилар»дан бири.

— Двигатель ишламай қолди. Ҳозир капотни очиб кўрайликчи, — дея индамай капотни очдим. Милиционер олдимга келиши билан секингина унга кабинада шубҳали одамлар ўтирганлигини шипшидим. Шу орада орқадан етиб келган машинани милиционер кескин тўхтатди. Ундан уч киши тушди. Кабинадаги «йўловчилар»дан бири тушиб пастга, жарликка қараб қочди. Уни икки киши қува кетди. Иккинчиси эса унчалик қаршилик кўрсатмади. Ушладик. Кейин билсак улар тутқунликдан қочиб юрган ашаддий жиноятчилар экан.

Иккинчи ҳикоя

— Оқшом чоғи Олой бозори рўпарасида бораётсам бо-лалари аёл тўхташга ишора қилди. Машинани тўхтатдим.

— Сергелига олиб бориб қўёлмайсизми?

— Марҳамат ўтиринг, — дедим мен. Кўринишдан аёл анчагина ташвишли эди. Шу боис йўл-йўлакай икковимиз индамай бордик. Қачонки манзилга етганимиздагина «Тўхтатинг, шу ерда тушаман», деди у.

Орқа ўриндиқдан боласини қўлтиқлаб тушаётиб қўлимга беш сўм узатди. Қайтимини бериб орқага бурилдим. Йўлда олд ойначадан орқадаги ўриндиққа қарасам каттагина сумка турибди. Аёл сумкасини унутиб қолдирганини фаҳмлаб яна орқага қайтдим. Балки у қолдирган нарсасини эслаб қидириб келар деган умидда ўша жойда аёлни анча кутдим. Лекин ҳеч қимдан дарак бўлмади. Қизиқиб сумкани очиб кўрсам унинг ичида турган болалар кийими ҳамда қўл халтачага кўзим тушди. Халтача ичида анча-мунча пул, аёлнинг тақинчоқлари, паспорти бор экан.

Кечаси тунда бегона эшикни тақиллатишни ўзимга эп

кўрмай эртаси кўни паспортда ёзилган манзил бўйича ўша аёлни қидириб топдим. Топилгани бекаму кўст эгасига топширдим. У қўзларига ёш олиб миннатдорчилик билдирди. Мен эса ўзганинг қиёмат қарзидан қутилганимдан хурсанд эдим.

Учинчи ҳикоя

Кўз ўнгимда содир бўлган воқеани ҳали-ҳамон эслайман, — деб ҳикоя қилганди Носир ака. — Кеч куз. Ёмғир шивалаб эзиб ёғарди. Одатда қоқ пешин пайтида йўловчилар кам бўлади. Шундан фойдаланиб уйга бориб тушлик қилиш вақтида машина рулини Юнусобод томон бурдим. Олдимда бораётган машина билан илон изи бўлиб қайқалиб кетди. Машина капотига нимадир, қимдир урилди. Кейин у зарб билан 10 метр чамаси узоқликка учиб бориб ерга кулади.

Ҳозиргина мени қувиб ўтган оқ «Жигули» одам уриб юборганди. Айбдор ҳайдовчи

қилгуликни қилиб қўйиб жуфтакни ростлаб қолди. Машинани дарҳол тўхтатиб жабрдийданинг олдида бордим. Вақт ғанимат. Фалокатга учраган қизалоққа зудлик билан ёрдам кўрсатиш зарур эди. Икки-уч киши ҳамроҳиғида уни дарҳол орқа ўриндиққа ётқиздим касалхонага жўнадим. Қарангки, шошилишда бир ярим гувоҳларни олишни ҳам унутибман.

Қизалоққа биринчи ёрдам кўрсатилиб уни зудлик билан жарроҳлик столига ётқизишди. Бу вақт орасида етиб келган назоратчилар мени тергов қила кетишди. Яхшиямки, ўша «Жигули» рақамини қимдир эзиб олган экан. Шу орқали айбдорни тезда топиб келишди. Бўлмаса айбсиз айбдор бўлиб қолишим ҳам ҳеч гап эмасди.

Қизалоқ жароҳат жабрини узоқ тортсада лекин оёққа турди. Бу орада мен ҳам гувоҳ сифатида тергов беравериб чарчадим. Лекин бу чарчоқларим жабрдийда ота-онанинг бир оғиз миннатдорчилиги билан унутилиб кетди.

Ўшанда Носир акага мен нимани ёзасан дейсиз ахир бу фидойилик, ҳалоллик, муруватингизни ўзи катта гап-қу. Шу ҳақда ёзасан ҳам бўлади десам, «Майли, ҳозирча қўя тур. Мавриди келиб балки кейинроқ ёзасан», деган эди. Мен ҳам у кишига албатта вақти келиб ёзишга ваъда берган эдим. Орадан йиллар ўтиб бутун Носир аканинг хотираси нишонланаётган кунда у киши олдидаги қарзимни бўйинмдан соқит қилдим.

Кўп ўтмай Носир ака меҳнат таътилига чиқди. Шундан кейин ҳам у уйда тиниб-тинчиб ўтирмади. Ўзи яшаб турган Ғайратий маҳалласининг фаоллари қаторида ободончилик ҳамда маҳалланинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашди.

Носир акани охириги марта учратганимда у рафиқаси Мусаллам опа билан Маккаи мунавварани зиёрат қилиш тараддулида эканлигини айтди.

— Худога шукр, ҳалол ва камтарин меҳнатим эвазига фарзандларим оёққа туриб олди. Уларнинг топиш-тутиши ўзгалардан кам эмас. Ёнг муҳими тарбияли, одоли бўлиб етишди. Энди уларнинг даврида мен аёлим билан Ҳаж сафарига бориш бахтига муяссар бўлиб турибман — деган эди.

Носир акани яхши ниятлар билан сафарга жўнатдигу лекин уларни қайта кутиб олиш насиб этмади. У киши ўша табаррук манзилда бандлиқни баҳо келтирди.

Махмуд КОМИЛЖОНОВ

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

Бу касалликдан сақланинг

Оқсил (яшур) ўткир юқумли касаллик бўлиб, майда ва йирик шохли чорва моллари орасида кенг тарқалган ва улардан одамларга ҳам юқиши мумкин.

Оқсил касаллигини кўзгатуви вирус атроф-муҳитга чидамидир, айниқса, у совуқда, қуруқда ва чорва маҳсулотларида яхши сақланади. Вирус касал ҳайвонларнинг гўнги ва сўлга билан ифосланган жойларда эса 150 кунгача сақланади. Вирус кўш нурларига сезгир, сутни 5 дақиқа қайнатганда (пастеризация) ўлади.

Касаллик манбаи — ҳасталик қалинган ҳайвонлардир. Касал ҳайвонлар вирусни ҳасталик белгилари пайдо бўлгунча атроф-муҳитга ўзининг сўлаги, сийдиғи ва

нажаси билан чиқара бошлайди.

Вирус одамлар ва ҳайвонлар организмига оғиз бўшлиғи, бурун, томоқ, кўз, ичак шиллиқ қаватлари ва тирналган тери орқали кирилади. Ҳайвонлар бир жойда боқилганда, ифосланган ем-хашак ва сув орқали касалликни бир-бирларига юқтирадилар. Одамлар эса шу касал ҳайвонларнинг сут ва гўшт маҳсулотларини етарлиқ қайнатмасдан истеъмол қилганларида ушбу касалликка чалинадилар. Касаллик бошлангандан сўнг 2-10 кун яшрин даври ўтган ҳароратнинг 39°гача кўтарилиши кузатилади, эт увишиб, бошда, белда ва мушакларда оғриқ пайдо бўлади. Шунингдек, оғиз бўшлиғида шили пайдо бўлади ва оғриқ сезилади. Тилда, лунжада, милкада,

бурун бўшлиғида, сийдик йўлларида, кўз шиллиқ қаватида яралар пайдо бўлади.

Касаллик унинг белгиларига қараб даволанади. Оқсилнинг олдини олишда асосан кишлоқ хўжалик ҳайвонлари орасида ветеринария хизмати томонидан касаллик тарқалиши хавфини бартараф этиш муҳим роль ўйнайди.

Касаллик қайд қилинган ферма хўжаликларидан олинган сут ва гўшт маҳсулотлари қайта ишлаш корхоналарига юборилишдан олдин зарарсизлантирилади, яъни сутни қайнатиб, пастеризация қилиб жўнатилади. Молларни сўйиш учун ишлатилган асбоблар ва майдонлар дезинфекцияловчи моддалар ёрдамида зарарсизлантирилади. Бундай жой-

ларда ишлаш учун ишчилар албатта шахсий гигиена қоидаларига риоя қилишлари, махсус кийимларда бўлишлари лозим.

Шунингдек, гўшт ва сут маҳсулотлари ветеринария ва санитария-эпидемиология назорати маркази ходимлари томонидан доимий назоратда бўлиши, аҳолининг уларни етарлиқ қилиб истеъмол қилишлари, бунинг учун аҳоли ўртасида оқсил касаллигининг олдини олиш бораида кенг санитария-тарибот ишларининг ўтказилиши оқсил касаллигининг олдини олишдаги муҳим омиллардан ҳисобланади.

Махмуд ҲАКИМОВ, Сергели тумани давлат санитария эпидемиология назорат маркази овқатланиш гигиенаси бўлими шифокори.

Душанба, қоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 8332 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.

СПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Енгил атлетика янада ривожланади

Маълумки, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ташаббуси билан халқ саломатлиги йўлида спорт турлари федерацияларининг ишини янада жонлантириш, жисмоний тарбия ва спорт орқали соғлом турмуш тарзини татбиқ этиш ҳаётиимиздаги энг устувор йўналишлар даражасига чиқди. Бу борада ҳаммабоп спорт турларини ўзига бирлаштирувчи енгил атлетиканинг ўрни каттадир.

Шайхонтоҳур туман ҳокимлигида пойтахт енгил атлетика федерациясининг ташкилий сайлов анжумани бўлиб ўтганлиги ҳам эътиборга молиқдир. Унда туманлар спорт кўмиталари, БЎСМлар, коллежлар, олий ўқув юрлари, фахрийлар кенгаши вакиллари, хаваскор югурувчилар клублари аъзолари иштирок этди.

Тадбир давомида шаҳар енгил атлетика федерацияси раёсатининг янги таркиби сайланди, ушбу спорт турини ривожлантириш йўналишлари аниқланди, федерацияни моддий жиҳатдан таъминлаш масалаларига ойдинлик киритилди, оммавий спорт тадбирларини ўтказиш режалари қўриб чиқилди. Ёнг муҳими, енгил атлетика воситасида аҳолини соғломлаштириш тадбирлари тасдиқланди.

Шайхонтоҳур тумани ҳокими М.Одилов шаҳар енгил атлетика федерациясининг Президенти этиб сайланди.

Жорий йилда ёзги мавсумнинг очилиши «Олимпия шон-шухрати» музейи атрофида оммавий соғломлаштириш югуриши билан бошланди.

Олдинда — тошкентлик мерганлар

Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитасининг ташкилотчилигида шахримиздаги «Динамо» стадионида 1984 йилда туғилган ва ундан ёш ўсмирлар ҳамда қизлар ўртасида мерганлик бўйича мамлакат шахсий ва жамоавий биринчилиги баҳслари бўлиб ўтди.

Бир ҳафта давом этган мусобақаларда ўн бир хил йўналиш бўйича 70 га яқин ёш мерганлар ғалаба учун кураш олиб боришди.

Қувонарли томони шундаки, машқларнинг деярли ҳар бирида ҳамшаҳарларимиз ҳурмат шохсупасининг энг юқори поғонасига кўтарилди. Жумладан пневматик милтиқдан отишда қизлар ўртасида 472 очко жамғарган

«Тошмаргё» очик ҳиссадорлик жамияти акционерларнинг умумий мажлиси ўтказилишини маълум қилади кун тартиби:

1. Жамиятнинг 2001 йилдаги молиявий натижалари бўйича дирекциянинг ҳисоботи.
2. Фойда ва зарар ҳисобидаги йиллик балансни тасдиқлаш.
- Тафтиш комиссияси ва ташқи аудит хулосалари.
- Жамият аудиторини тасдиқлаш.
3. Тўланадиган дивиденд миқдорини тасдиқлаш.
4. Бошқарув органлари таркибидаги ўзгаришларни тасдиқлаш.
5. Бизнес режани тасдиқлаш.

Мажлис 2002 йил 17 май соат 9.00 да қуйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Лисунов кўчаси, 1/1. «Авиасозлар маданият саройи».

Мажлис қатнашчилари 17 май кун соат 7.30 дан 8.30 гача рўйхатга олинадилар.

«Тошмаргё» ҳиссадорлик жамияти кузатув кенгаши

«Тошмаргё» ҳиссадорлик жамиятининг 2002 йил 1 январь ҳолатига муҳосаба ҳисоботи

т/р	Кўрсаткичлар	Кўрсаткичлар ҳолати (минг сўм)
1.	Узоқ муддатли активлар	624471
2.	Айланма активлар	1767829
Жами активлар:		2392300
3.	Ўзлик маблағларининг манбалари	1420693
Шу қаторда Устав фонди		48487
4.	Мажбуриятлар	971607
Баланс пассиви бўйича жами		2392300

«Тошмаргё» ҳиссадорлик жамиятининг 2002 йил 1 январь ҳолатига молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи

т/р	Кўрсаткичлар	Кўрсаткичлар ҳолати (минг сўм)
1.	Маҳсулот сотишдан тушган тушумлар	8672772
2.	Асосий фаолиятнинг молиявий натижаси	377065
3.	Умумий хўжалик фаолиятининг молиявий натижаси	1068652
4.	Ҳисобот йили бўйича тақсимланмаган соф фойда	546917

«Тошшаҳаргазтаъминот» шўъба корхонаси истеъмолчилари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартда қабул қилинган 99-сонли «2002-2004 йилларда уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги» Қарорини бажариш юзасидан «Тошшаҳаргазтаъминот» шўъба корхонаси Тошкент шаҳрида квартиралар ва якка тартибдаги уйларга газни ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш ишларини амалга оширяпти.

Ушбу Қарорнинг 4-иловасига асосан, «Бошқоммунгаз» корхонаси томонидан сотиб олинган газни ҳисобга олиш приборлари аҳоли квартираларига ва якка тартибдаги уйларга ўрнатилганда, уларнинг қиймати «Истеъмолчилар» томонидан кафолатли муддат мобайнида, лекин газни ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган кундан бошлаб кўпи билан 5 йилда тўланади.

«Истеъмолчи» томонидан газни ҳисобга олиш приборлари қийматини тўлаш муддати ва шартлари «Истеъмолчи» ва «Тошшаҳаргазтаъминот» шўъба корхонаси ўртасида тузилган шартномада белгиланади.

Газни ҳисобга олиш приборлари табиий газни тежаб ишлатишга ёрдам беради ва «Истеъмолчи»ларнинг ишлатилган газ харажатларини камайтиради.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан кўтловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёришди.

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95, 133-28-95, Факс: (3712) 133-29-09.

МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-КАВАТ, 204-ХОНА.



Беруний номидаги Тошкент политехника институти (ҳозирги Тошкент Давлат техника университети) томонидан 1984 йили Абдуғафаров Акмал Иркинович номига берилган МБ — №059451 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия кўмитасининг президенти Собиржон Собитович Рўзиевга акаси

Мэлс РЎЗИЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер маркази терилиб ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39, факс: (3712) 133-29-09.

